

# TASHRIF




● № 07-08-сон (272)  
● 2026 йил 22 апрель, чоршанба

**Ижтимоий – сиёсий газета**

● E-mail: tashrif-gzt@mail.ru  
● Газета 2015 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

## “БОЙСУН БАҲОРИ”: ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТАДИГАН ҚУРОҚ КЎРПА



**Миллионлаб қалбларни забт этган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали 2026 йилда ўзининг навбатдаги ўн учинчи мавсумини бошлайди. Бу йилги фестивал Сурхондарёнинг бетакрор манзаралари оғушида ҳақиқий маданият ва маънавият байрамига айланади.**

Жорий йилнинг 1-7 май кунлари ўтадиган фестивалда 40 дан ортиқ давлатдан 100 дан зиёд фольклор жамоалари иштирок этиши кутилмоқда.

Айтиш керак, бу йилги фольклор фестивали мазмун жиҳатдан аввалгиларидан янада бойитилган. Сурхондарёликлар креатив ёндашиб, фестивалга ўзгача янгиликлар, қутилмаган совға-

лар тайёрлашган. Фестивалда ҳар бир ҳудудга оид кўрғонлар ташкил этилади. Унда ҳудуднинг ўзига хослиги, бой тарихи, таомлари, хунармандчилик намуналари ва анъаналари намойиш этилади.

Фестиваль доирасида фольклор жамоалари чиқишлари, миллий спорт ўйинлари, хунармандчилик кўргазмалари, концерт дастурла-

ри сценарийси янада бойитилган. Айниқса, майдоннинг кириш қисмида ташкил этилаётган миллий мавзули йўлақлар тадбирга ўзгача шуқуҳ, байрамона кайфият бағишлайди. Узунлиги 180 метрни ташкил этган ушбу йўлақлар саккиз хил миллий тематикани акс эттиради. Амалий санъат ва хунармандчилик намуналари, турли аксессуарлар жой олади. Бойсун дўппилари, дап (доира), лаганлар, адрас, атлас матолари кетма-кетликда ушбу йўлақларга жойлаштирилмоқда.

Бу йилги фестивалга бойсунлик хунармандлар дунёда


ўхшаши йўқ, рекорд даражадаги қуроқ кўрпани тикиб бўлишди. Узунлиги 33 метр, эни 5 метрдан зиёд маҳобатли қуроқ кўрпа олти ой мобайнида Назокат Собирова бошчилигидаги 12 нафар хунарманд томонидан тикилди. Икки ярим сантиметр ҳажмдаги мато қирқимлари асосида улаб тикилган ушбу санъат асари ўзбек миллий ҳамда Марказий Осиёдаги барча қуроқ услублари асосида яратилди. Айтиш керак ўтган фестивалда Назокат Собирова бошчилигидаги хунармандлар 22 метрлик қуроқ кўрпани тикишган эди. Бу галгиси ундан анча кат-

та.

Бир сўз билан айтганда, фестивални янада шуқуҳли ўтказиш учун вилоятда катта тайёргарлик кўрилмоқда. Мақсад – юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар қалбида унутилмас таассурот қолдириш.

**Барчани ушбу фестивалга чорлаб қоламиз.**

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
Республика  
Маънавият ва  
маърифат маркази  
Сурхондарё вилояти  
бўлими раҳбари.**



— Инсон азият, аммо унинг қадрли фақат ўзига эмас, балки атрофига, эл-юртига келтирган нафи билан ўлчанади. Дунёда турли хил касблар, турли хил тақдирлар бор, — дея ҳикоя қилади Нормаммад фермер. — Аммо шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёти жимжит, шовқин-суронсиз, лекин ниҳоятда мазмунли бир дoston каби ўтади. Улар ерга кетмон уриб, ризқ ундирадилар, чўлларни

### 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

## ЮК КЎТАРГАННИ ЮРТ БИЛАДИ

**Сухбатдошимиз — Денов туманининг Ўшор қишлоғида яшовчи, меҳнаткаш инсон “Зайниддин-Шарофиддин Мирзоалиев” боғдорчилик фермер хўжалиги асосчиси Нормаммад Мирзоалиев. Туман марказидан олисдаги қишлоқда боғроғлар яратган, олисдан сув келтириб, боғларни яшнатаётган инсон Нормаммад Мирзоалиев боғдорчилик ва деҳқончилик сир-асрорларини отасидан ўрганиб, мўл ҳосил олиб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилаётган инсон. Хотира ва қадрлаш куни олдидан бўлган сухбатимиз Нормаммад аканинг падари бузруквори Мелиали Мирзоалиев ҳақида борди.**

бўстонга айлантирадилар, чарчоқ нималигини билмай, орқасидан боғлар қолдирадилар. Шу боис ҳам доно халқимиз: «Юк кўтаргани юрт билади», деб бежиз айтмаган. Элнинг оғирини енгил қилган, юртнинг юкини елкасига олган инсон ҳеч қачон унутилмайди.

Отам ана шундай фидойи инсонлардан бири, ўз умрини боғ яратишга, инсонларга


яхшилиқ қилишга бағишлаган Мелиали бобо ҳақидаги хотираларимнинг чеки йўқ. Сухбатим фақат бир оиланинг эмас, балки ўзбек деҳқонининг маънавияти, тадбиркорлик руҳи ва аждодлар меросига садоқати ҳақидаги ҳикоядир. Тупроқ ҳамма нарсани эслаб қолади. Унга тўқилган ҳар бир томчи тер, экилган ҳар бир ниҳол ва айтилган ҳар

бир эзгу ният унинг хотирасида муҳрланади.

Ўттизинчи йилларнинг охири, қирқинчи йилларнинг боши бутун инсоният учун оғир келди. Уруш деган даҳшатли аждарҳо Ўшор қишлоғининг ҳам тинчини бузди. Қишлоқнинг навқирон йигитлари қатори сухбатдошимизнинг отаси Мелиали Мирзоалиев ҳам қўлига қурол олиб, ўз она Ватанини ҳимоя

қилишга отланди. 1941-1947 йиллар... Бу йиллар фақат саналар эмас, балки қон, кўз ёши, йўқотишлар ва чексиз соғинч йиллари эди.

Ҳар бир жангда ўлим билан юзма-юз келган Мелиали юрагининг туб-тубида бир умидни асраб келарди — омон қолиш ва ўз қишлоғига қайтиш. Фронт ортидаги қийинчиликлар, совуқ хан-



дақлар, душман ўқлари остида кечган тунлар уни жисмонан ва руҳан чидамликка ўргатди. У ўзи билан бирга фронтга кетган укаси, жияни ва тенгдошларини бирин-кетин йўқотди. Ҳар сафар сафдоши ҳалок бўлганда, Мелиалининг юрагида бир нарса узилиб тушгандек бўларди. Аммо у таслим бўлмади. Омон қолганларнинг барчаси учун яшаши шарт эди.

**(Давоми 8-саҳифада).**

Олтинсой туманидаги “Хидиршо” маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла еттиликнинг ҳисобот йиғилиши ҳамда депутатларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий Кенгашлар томонидан 2023 йил 30 мартда қабул қилинган “Худудларни ривожлантириш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва сенаторларнинг маҳалла еттилиги билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган анжуманда Халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгаши раиси А. Турдиев, туман Кенгаши депутати Ю. Курбаниязов, Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати А. Орипов ҳамда “Маҳалла” уюшмаси туман бўлими раиси Қ.Сафаровлар иштирок этишди.

## МУРОЖААТЛАР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА



Самимий ва ошкора руҳда ўтган тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Дастлаб маҳалла еттилиги томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди. Худудни ободонлаштириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш,

юртдошларимизнинг турмуш даражасини ошириш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган хайрли амаллар таъкидланди. Муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар берилди.

Шундан сўнг депутатлар ва сайловчилар ўртасида очик мулоқот ташкил этилди. Ичимлик суви таъминоти, ички йўللари таъмирлаш, электр энергияси тизимидаги нуқсонлар, бандликни таъминлаш ҳамда ижтимоий ёрдам масалалари бўйича саволлар берилди. Ҳар бир мурожаат ўрганилиб, уларнинг ечими борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Депутатлар ҳамда тегишли соҳалар масъуллари худудга чиқиб, муаммоларни жойида ўрганишди. Кўтарилган масалаларни ҳал этиш юзасидан қорхона ва ташкилотларга сўровномалар юбориш, ижросини қатъий назоратга олиш юзасидан махсус келишувга эришилди.

Таъкидлаш лозимки, бундай учрашув ва тадбирлар аҳоли билан бевосита мулоқотни кучайтириш, фуқаро-

### Партия ҳаёти

ларнинг дард-у ташвишларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда тизимли ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, маҳалла еттилиги, депутатлар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши табиий. Бир сўз билан айтганда муаммоларни ҳал этиш, худудларни комплекс ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор.

**Омонтурди АБАЗОВ,**

**Ўзбекистон ХДП Олтинсой туман Кенгаши раиси.**

**Юсуф ҚУРБАНИЯЗОВ,**  
**Халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси.**

### Жинойт жазосиз қолмайди

## ЎҚИТУВЧИНИНГ ЧЎНТАГИДАН ГИЁҲВАНД МОДДА ЧИҚДИ

**Гиёҳвандликка қарши туриш, бу — фақат жисмоний кураш эмас, балки маънавий ва руҳий баркамолликни тарғиб қилиш, демакдир.**

Ўқитувчилар, фақат илм бериш эмас, балки ёшларнинг инсоний сифатларини ривожлантириш, уларга ҳалол, ҳаққоний ва ватанпарвар бўлишни ўргатиш орқали уларнинг келажагини ҳимоялашга масъул инсонлар саналади.

Бироқ, судда сўралган (исмлар ўзгартirilган) Пўлат Даминов ҳақиқатдан ҳам, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдирди. Буни қарангки, Термиз шаҳрида жойлашган мактабларнинг

бирида ўқитувчи бўлиб ишлаган ўқитувчи судда 2025 йил бошида бир мартагина “гашиш” гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб кўрганлигини очик тан олди. Ушбу гиёҳвандлик моддасини ўзига олдиндан таниш бўлган шахсдан сотиб олган экан. Бир марта истеъмол қилганидан сўнг унга “гашиш” ёқмаганлиги сабабли бошқа қайтиб истеъмол қилмабди. Ўшанда захри қотилни қанча нархга сотиб олганлигини ҳам эслай олмаслигини айтди. Бирмунча вақт ўтиб, уйининг ҳовлисидаги дарахт тагига кўмиб қўйилган ўша захри қотилни Пўлат Даминов яна истеъмол қилгиси келиб қолибди.

Пўлатбой “гашиш”ни ўқувчиси Рустамнинг уйига бориб чекмоқчи бўлди. Хуморини ёзиб энди уйга қайтмоқчи бўлиб кўчага чиққанида бир неча киши келиб, ўзларини ҳуқуқ тартибот органи ходимлари деб таништириб, унинг чўнтақларини тинтиб кўришди. Пўлатбойнинг гиёҳвандлик моддаси сотаётганликда гумон қилинаётганлигини айтишди.

Дастлаб унга тегишли машина кўздан кечирилганда ундан гиёҳванд модда топилмади. Аммо чўнтагидан гиёҳвандлик моддаси топилиб, расмийлаштирилиб олинди.

Судда Пўлатбой айбига чин кўнгилдан пшаймон ва иқрорлиги-



ни, шу сабабли суддан енгиллик беришни сўради.

Суд адолатли ҳукм чиқарди. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига кўра, узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 19 (ўн тўққиз) баровари, яъни (412.000 сўмдан) 7 828 000 (етти миллион саккиз юз йигирма саккиз минг) сўм жарима жазоси тайинланди.

**Жасурбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
**Жинойт ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди судьяси.**


Денов туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига Денов туман “Хўжахалқи” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Й.М. томонидан мурожаат келиб тушади. Фуқаро мурожаатда Агробанк Денов туман филиали томонидан кредит олганлиги, аммо пластик карта блоклаб, ташланганлигини билдирган.

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАҚ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Ушбу мурожаат юзасидан Денов туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассислари, мурожаатчи Й.М ва банкнинг Денов туман филиали ходимлари иштирокида ўрганилганда ҳақиқатдан ҳам фуқаронинг пластик картаси техник сабабларга кўра вақтинча қулифланиб қолганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан банк ходимлари томонидан техник носозлик бартараф этилиб, ҳозирги вақтда фуқаронинг пластик картаси фаол (актив) ҳолатга келтирилиб берилди.

**М.УМАРОВ,**  
**Денов туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти маърифий-тарғибот, мониторинг ва ахборот-таҳлили бўйича инспектори.**



**Мамлакатимизда таълим тизимини модернизация қилиш, ёш авлодни касб-хунар эгалари бўлиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Термиз муҳандислик-технология институтининг ташкил этилгани ҳам бунинг ёрқин намунаси.**

Мазкур таълим муассасаси Президент қарорига асосан дастлаб Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиали сифатида ташкил этилган эди. Орадан бир неча йил ўтгандан кейин — 2021 йил 3 декабрда қабул қилинган қарорга мувофиқ, Термиз муҳандислик-технология институти ташкил топди. Бу эса юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиши

## МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ ВА ЮРТ ТАЯНЧИ

### Таълим тараққиёти йўлида



табиий.

Олий таълим даргоҳида кундузги, сиртки ва иккинчи олий таълим шакллари бўйича бакалаврлар, магистратура мутахассисликлари йўналишида магистрлар, шунинг-

дек, таянч докторантура орқали илмий-педагогик кадрлар тайёрланмоқда. 4 та факультет ва 14 та кафедрада 27 та таълим бўйича минглаб талабалар тахсил олмоқда. Замонавий ўқув лаборатори-

ялари, устахоналар ва илмий тадқиқот майдонлари ташкил этилган бўлиб, талабалар назарий билимларни амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишаётгани қувонарли.

Автомобиль хўжалиги, электр-энергетикаси, экология, қурилиш материаллари лабораториялари замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ахборот ресурс марказида минглаб босма ва электрон адабиётлар фонди мавжуд. Қатор олий таълим муассасалари электрон ресурсларидан фойдаланиш имконияти яратилгани таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили муносабати билан

партиямиз ташаббуси билан “Сафимиздаги ёшлар”, “Ўзбекистон — 2030 стратегияси”, “Ёшлар билан учрашув” ва бошқа мавзуларда қатор тадбирлар ташкил этилди. Бунинг ижобий натижаси ўлароқ, 40 нафар талаба ёшлар партиямиз сафарига қабул қилинди. Бу каби ташаббуслар ворисларимизнинг нафақат билимли мутахассис, балки фаол фуқаролик позициясини эгаллашларида ҳам мустаҳкам пойдевор бўлиши табиий. Хулоса ўрнида айтганда эса Термиз муҳандислик-технология институти ёшлари Янги Ўзбекистонни барпо этишда фаол иштирок этаётгани қувонарли.

**Зарнигор ДОНИЁРОВА,**  
**Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси.**

# ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 25 март кундаги ЎРҚ 1124-сонли қонунига асосан “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мухим ўзгартиришлардан бири, Атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган;

“Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 17-моддаси, “Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги” бўлиб;

Ушбу модда, қуйидаги мазмундаги 174-модда билан тўлдирилди:

“174-модда. Махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этил-

ган экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Ушбу Кодекс 70-моддасининг биринчи қисмида, 701, 72, 77-моддаларида, 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 81, 82, 83-моддаларида,

84-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 88-моддасида,

90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида, 911-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 92-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ёки транспорт

воситасининг мулкдори ёхуд мазкур транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда фойдаланган шахс тортилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг қонунчиликка мувофиқ юридик шахсга тегишли бўлган транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка юридик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс ёки мазкур транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда фойдаланган шахс тортилади.

Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги

қарор устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгаллик қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эгаллигидан чиқиб кетганлиги аниқланса, транспорт воситасининг мулкдори ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган, махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли томонидан юборилган экология, атроф-му-



хитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари акс эттирилган фотосуратлар ва видеоёзувларга тенглаштирилади”;

**Ж.АЧИЛДИЕВ,**  
Термиз туманлараро маъмурий суди судья ёрдамчиси.

**Гиёҳвандлик боши берк кўча бўлиб, бу йўлга қадам қўйган кимсанинг боши дегорга урилади.**

Болаларга чекиш, ичиш, гиёҳвандлик иллатлари ҳақида оилада, мактабда тушунча берилади. Катта ёшли ҳар бир виждонли инсон ёшларни бу хавфдан огоҳ этади.

Кимдир шунда ҳам бу йўлнинг оқибатини билмаса, вақти келиб жабрини тортганида англайди. Ахир кўза кунда эмас, кунда си-нади, дейдилар.

2001 йилда Шўрчи туманида туғилган

## БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

(исм-шарифлар ўзгартирилган) Илҳом Рустамов худди ана шундай боши берк йўлга кириб қолиб, кейин афсус-надомат чеканларнинг биридир.

У Шўрчи туманида истиқомат қилади. Ёши 25га кирган бўлсада, тайинли бир касбнинг бошини тутмаган. Бекорчилик эса аксарият ҳуқуқбузарликларнинг онаси саналади.

Албатта, одамзот бирор бир фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан юри-

ши мумкин, аммо тиркичилик ўтказиш учун маблағ керак. Илҳом ҳалол меҳнат билан пул топиш ўрнига, гиёҳванд модда савдоси каби жирканч жиноятга қўл урди.

У 2025 йил январь ойининг бошларида ўзига таниш фуқародан “гашиш” гиёҳвандлик моддасини сотиб олади. Шуни сотиб мўмай даромад топишни кўнглига туккан Илҳомбой текин пишлоқ фақат қопқонда бўлишини унутиб қўйганди. Ўтра-

кашни анча-мунча пулга ёллаб, Жарқўрғон томон йўлга тушади.

Буни қарангки, қингир иш-келтирар ташвиш деганларидек, 2025 йил 28 июль кун соат 23:01 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари Жарқўрғон тумани “Қораёнтоқ” маҳалласи ҳудудида ўтказилган назоратли ҳарид тезкор тадбири жараёнида Илҳомбой қўлга тушади.

Илҳом Рустамов 550 минг сўм пул эвазига

### Огоҳлик – давр талаби

1,38 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини олиб келиб, сотган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланди.

Илҳомбой шундан сўнг қилмишига иқрор ва чин кўнгиладан ушаймон бўлди. Ёшлиқ қилиб алданганлигини ҳамда оиласидагиларнинг ишончини суиистеъмол қилганлигини баён қилди.

Аммо фишт қолипдан кўчган эди. Ушбу жиноий иш Жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман судида холисона кўриб чиқилди ҳамда И.Руста-

мовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланган ҳолда 6 (олти) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ана энди у “Билмайин босдим тиконни, тортадурман жабрини” деб панжара ортида хиргойи қилиб юрадиган бўлди.

**Тўлқин АБДУЛЛАЕВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман судининг раиси.

**Сурхондарё вилояти экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси ташаббуси билан Денов туман эколополиясида “Биз – коррупцияга қаршимиз!” шиори остида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда масъуллар ва ишчи-ҳодимлар иштирок этишди.**

Маълумки, коррупция атамаси “сорруптио” сўздан келиб чиққан бўлиб, “бузиш”, “сотиб олиш”, деган маъноларни англатади. Жаҳон ҳамжамиятини жиддий хавотирга солаётган иллат – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, қонунга зид фойда кўриш ва давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш ҳамдир.

Ўтган йилнинг 26 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида округлардаги муаммоларни ҳал этиш учун депутатларга 500 миллиард сўм, ҳар бир депутатга эса 3,3 миллиард сўмдан берилиши таъкидланганди. Бу борада “яшил ҳудуд” ҳамда “яшил боғ” яратиш бўйича ҳар бир депутат-



нинг ташаббусига қўшимча 330 миллион сўмдан йўналтирилиши таъкидланганди. Бундай ўзига хос янгича ёндашувлар орқали 2030 йилгача барча туманлардаги маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кирилиши белгиланган. Шу билан бир қаторда, экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бешинчи устувор йўналишимиз эканлиги белгилаб берилганини эътироф қилиш лозим.

Бугунги кунда коррупция, деган жирканч иллатга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва барча соҳа

## БИЗ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ

ҳамда йўналишларда коррупциядан холи ҳудуд яратиш бўйича тегишли қонунлар мавжуд. Давр талаби шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга қарши курашишда асосий эътиборни коррупцияни содир этилгандан кейин чора кўрилиши эмас, аксинча, салбий ҳолат рўй бергунга қадар аниқлаш муҳим ўрин тутмоқда. Бу борадаги хавфларни барвақт олдини олиш, коррупцион омилларга қарши чора-тадбир кўриш устувор вазифадир.

Денов туманида ташкил қилинган анжуманда ҳам шулар ҳақида сўз юритилди. Масъуллар ва соҳалар ҳодимлари томонидан асосий диққат-эътибор “ҳалоллик вакцинаси” – коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари мажмуаси эканлиги, бу атама илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис ва халқимизга қилинган Мурожаатномасида тилга олингани айтиб ўтилди.

Коррупцияга қарши курашда адолат бош мезон ҳисобланса, қонунларга амал қилиш асосий шартлар си-

расига киради. Буларга эришишнинг ягона йўли “ҳалоллик вакцинаси”дир. Иллатни бартараф этишда эса энг муҳим омил – маърифат ҳисобланади. Чунки у билим, иммунитет, шунингдек, порахўрликка қарши олий мақсадга мос келувчи барқарор ҳулқ-атвор меъёрларида ўз аксини топган тегишли маънавий-яхлоқий эҳтиёжлар - инсоф, иймон, эътиқод, ҳалоллик каби сифат ва ҳиссиётларда шаклланади.

Шу ўринда, ҳалоллик ўзини деган тушунчани ҳам англаб олишимиз даркор. Ҳалоллик - инсоннинг асосий фазилатларидан бири бўлиб, ростгўйлик, принципларига содиқлик, қабул қилинган мажбуриятларга амал қилиш ҳисобланади.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш – муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятлардан озод этадиган расмий ҳужжатлар, штамп, муҳр, бланкалар тайёрлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ жиноятдир. Асл ҳужжатларнинг шакли ва мазмунини ўзгартириш ҳам қалбакилаштириш ҳисобланади. Қонунда бундай ҳаракатлар

учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган. “Ҳалоллик покка киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир”, деган эди буюк мутафаккир ва олим Абул Қосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий. Жаҳоннинг ривожланган давлатларидан бири ҳисобланган Сингапурнинг собиқ бош вазири Ли Куан Ю эса “Агар коррупцияни йўқ қилмоқчи бўлсангиз, дастлаб ўзингизнинг энг яқин уч нафар дўстингизни фош қилинг.

Сиз нимага шундай қилаетганингизни аниқ билса, улар ҳам худди шундай – нимага фош қилинганини аниқ билишади”, деб таъкидлаб ўтганди. Шундай экан, коррупцияга қарши кураш ҳар биримизнинг кундалик ишимиз ва фаолиятимиз мезонига айланмоғи лозим. Шундагина кўзланган асл мақсадга эришилади.

**А.МЕЛИҚУЛОВ,**  
Сурхондарё вилояти Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича бош мутахассиси.

**Хаётимизнинг файзу фариштаси бўлган нурунийлар эҳтиром ва эътиборга муносиб ҳисобланади.**

Кумқўрғон туманининг “Беш қахрамон” маҳалласида истиқомат қилувчи Обод Абдуллаева ҳам ана шундай пиру бадавлат замондошларимиздан биридир. Яқинда табаррук 80 ёшни қарши олган онахоннинг ҳаёт йўли ёшларга ибрат бўлгулик. Эл саломатлиги йўлида меҳнат қилган қахрамонимизнинг умр дафтарида зарҳал ҳарфлар битилган.

Онахон опалари Маҳмуда ва Мақсудалар изидан бориб, эл-юрт корига ярайдиган инсон бўлганидан фахрланади. Саломатлигимиз посбонининг талабалик йиллари ҳаёт мактаби бўлганини таъкидлайди суҳбатдошимиз. Ўз ўрни ва ўз сўзига эга онахонни бешқахрамонликлар нафақат тажрибали шифокор, балки ҳақиқий ташкилотчилиги учун ҳам хурмат қилади. Самимийлиги-ю оқиллиги боис хурмат-эҳтиром кўрсатади унга.

Пиру бадавлат инсоннинг ҳаёт йўлларида разм солсақ, турфа хилликни кузатиш мумкин. Кумқўрғон тумани ташкил топган 1977 йили у

## ОИЛА ТИЛСИМИНИ ЯРАТГАН АЁЛ



фирқа кўмитаси котиблигига тайинланган ва узоқ йиллар меҳнат қилган.

Собиқ иттифоқ даври долғали бўлганини кекса авлод вакиллари яхши эслайди. Мазкур ҳудуддан 5 нафар инсоннинг Меҳнат Қахрамони бўлгани қувонарли. Бунга Обод Абдуллаеванинг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Аслида, довруғи дoston хўжаликда меҳнат қилиш кишида масъулият юклаши табиий. Обод Абдуллаева ана шундай ҳақиқатларни виждонан ҳис қилгани табиий. Хузур-ҳаловатидан кечиби, халқнинг ишончини қозонгани шубҳасиз.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўллари турфа хил кечиши табиий. Гоҳида машаққатли,

баъзан маҳзунли бўлиши турган гап. Буни замондошимизнинг умр йўлларида ҳам кузатиш мумкин. Кўмита қотиблигидан кейин туман туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими бош шифокори бўлгани бунинг ҳаётини намунаси.

Эл корига яраган инсон қаерда ва қайси лавозимда меҳнат қилмасин, ҳалоллик ҳамда покликни унутмаган. Виждон амри билан умргузаронлик қилгани қувонарли.

Таниқли адиб Ўткир Ҳошимов инсон умрини бежизга икки эшик орасига қийсламаган. Ҳаёт оқар дарё мисоли ўтиб кетиши шубҳасиз. Ҳар бир инсон унинг ҳар бир лаҳзаси ва ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиши лозим. Ана шундай эзгуликларга қатъий амал қилган замондошимиз 31 ёшида туман партия кўмитасининг Мафкура ишлари бўйича котиблигига муносиб кўрилган. Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаган инсон кўп йиллар Оқжар қишлоқ фу-

қаролар йиғинига раислик қилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

...Мамашукур Чориев ва Обод Абдуллаевалар чироғи ёруғ хонадонга асос солишган. Ҳозирги кунда аждодлар аънасини авлодлар давом эттирмоқда. Мустаҳкам таянч ва ажойиб кўрғон дунёга келгани қувонарли. Ибратли хонадон аҳли кўпчиликлари ўрнатилган бўлаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Миллат давомчилари бўлган фарзандларнинг ҳаммаси олий маълумотли. Ўрт корига яраётгани таҳсинга сазовор. Қизлардан - Насиббахон ва Саодатхонлар ўқитувчи, Гулшодахон ҳисобчи-тадбиркор бўлса, Абдулҳафизжон (эл орасида Алик доктор бўлиб танилган) таниқли шифокор. Бир сўз билан айтганда эса ота-боболардан мерос эзгу амаллар изчил давом этмоқда.

Оила тилсими яхши тарбия, меҳр-оқибат ва бурча масъулият тамойилига асосланади. Ота-она дуосини олган киши икки дунё саодатига мушарраф бўлиши таби-

ий. Обод опа отаси Мамажон Абдуллаевдан дуо олган бўлса, ўгли Абдулҳафиз отаси Мамашукур Чориевнинг ҳақиқий таяну суянчига айланган, десак асло муболага қилмаган бўламиз. Отаси тўсатдан юрак хуружига учраганда у Тошкентда фаолият кўрсатарди. Янаям тўғрироқ айтганда эса пойтахтимиздаги нуфузли неврохирургия марказида меҳнат қилган. Шу билан бир қаторда академик Марат Қориев кўл остида илмий ишни давом эттираётган.

Ота – барибир ота экан. Абдулҳафиз падару бузрукворининг соғайиб кетиши учун киндик қони тўкилган Сурхондарёга қайтди.

Ҳозирги кунда шу ерда фаолият юритмоқда. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлишига ишонади у...


**Боймурод АБДИМЎМИНОВ,**  
Кумқўрғон туман ҳокимининг кексалар бўйича маслаҳатчиси, “Нуруний” жамғармаси туман бўлими раиси.

**Инсоннинг маънавий олами, дунёқараш ва ахлоқ шаклланишида китобнинг ўрни беқиёс. Аммо китобга муҳаббат, китобхонлик маданияти қаердан бошланади, деб ўйлаб кўрганмизми?**

Жавоб аниқ: бу туйғу оила бағрида, болаликдан бошланади.

Оила — инсонни тарбиялайдиган биринчи мактаб, она эса — биринчи муаллимадир. Агар бола оилада китобни қадрлаш, унинг аҳамиятини ҳис қилиш муҳитини кўрса, у ки-

## КИТОБХОН ОИЛА - МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР



тобхон бўлиб улғаяди. Ота-онанинг китоб ўқишга бўлган муносабати — фарзанднинг келажакдаги дунёқарашини белгилайди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий шундай

деганлар:

“Илмсиз киши жисмсиз жонга ўхшайди.”

Демак, илм — инсонни камолга етказиши, илмнинг қалити эса китобдир. Фарзандларимизнинг қалбига китобга муҳаббат уруғини экамиз десак, авваламбор ўзимиз китоб ўқишни одатга айлантиришимиз керак. Ҳаётда шундай гап бор: “Бола кўрганини қилади, эшитганини эмас.”

Агар фарзанд ҳар куни ота ёки онасини

китоб билан кўрса, у ҳам табиий равишда китобга қизиқади. Шунинг учун оилада камида ҳар куни 15–20 дақиқа “Оилавий китоб ўқиш вақти” жорий этиш жуда фойдали. Бу нафақат билимни оширади, балки оила аъзолари ўртасидаги муҳаббат ва бирдамликни мустаҳкамлайди.

Бугунги тезкор ахборот асрида кўпчилик вақтни телефон ёки интернетда ўтказмоқда. Аммо шу билан бирга

китобга вақт ажратмасак, фикрлаш қобилиятимиз пасайиб, маънавий дунёмиз қашшоқлашиб қолади.

Шу боис, китобхон оила — маърифатли жамиятнинг пойдеворидир.

Китобхон ота-она — зукко, фикрлай оладиган фарзандларни тарбиялайди.

Китоб ўқилган хонадонда нур, тинчлик ва муҳаббат бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтишим мумкинки, ки-

тобхонлик — нафақат шахсий ютуқ, балки оила ва жамият камолнинг асосидир.

Шунинг учун ҳар бир хонадонда китоб ўқиш маданиятини тиклаш — бугунги куннинг энг муҳим вазибаларидан бири.

Келинг, фарзандларимиз қалбига китобга муҳаббат уруғини оиладаёқ экайлик! Шунда келажакда билимли, маънавиятли, китобсевар авлод вояга етади.

**Р. ШЕРМАТОВА,**  
Денов туман ахборот-кутубхона маркази директори.

## ОНА САЙЁРАМИЗНИ АСРАЙЛИК!

**Она табиат бебаҳо бойлиқдир. Уни авайлаб-асраш ва келгуси авлодларга қолдириш бурчимиз ҳисобланади. Бу борада қатор хайрли ишлар амалга ошириляётган бўлсада, муаммолар ҳам йўқ эмас. Билиб-билмай ташланган қадам атроф-муҳитга жиддий зарар етказиши баробарида мувозанатни бузилишига сабаб бўлишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз гоҳида.**

Ўтган асрнинг 50-йилларидан кейин ер юзида минглаб завод ва фабрикалар ишга туширилди. Ишлаб чиқариш мажмуалари ҳамда корхоналар кун сайин кўпаймоқда. Булардан ташқари, техникалар сони соат сайин ортмоқда. Аграр соҳанинг турли йўналишларига асос солиняпти. Ана шундай қатор омиллар экологик муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ер қуррасининг қайсидир чеккасида сув тошқини, бошқа бир ҳудудда қурғоқчилик, яна бир маконда эса довул кузатилгани ҳақидаги хабарлар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолган. Ёз фаслида қор ёққани ёки қишда об-ҳавонинг кескин

кўтарилгани ҳам янгилик бўлмай қолди. Буларнинг барчаси экологик ҳолат ўзгараётганидан далолат беради. Инсониятнинг тараққиётга эришиши атроф-муҳитдаги мувозанатнинг издан чиқишига сабаб бўлаётгани ҳақиқат. Иқлим маълум бир ҳудуддаги об-ҳавонинг кўп йиллик режими билан ифодаланиб, жойнинг географик кенглиги, ер усти тузилиши, денгиз сатҳига нисбатан баландлиги, океанга нисбатан узоқ ёки яқинлиги билан аниқланади.

Атмосферанинг кимёвий, физик таркибига инсон фаолият таъсирининг ортиб бораётганлиги, озон қатламини емирувчи турли ис газ-

ларини ҳамда карбонат ангдрид ва бошқа иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газларни ва аэрозолларни чиқариш, турли органик ёқилғиларни ёқиш ва энергия сарфлаш орқали атмосфера ҳароратига кўрсатаётган таъсири ортиб бормоқда. Юқорида қайд қилинган жараёнлар туфайли глобал иқлим исиши кузатилмоқда.

Иқлим ўзгариши муаммоси Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Сидир бўлиши мумкин бўлган оқибатлар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: сув ресурслари тақчиллигининг кучайиши, ўртача ҳароратнинг ошиши, ёғингарчиликларнинг нотекис тақсимланиши, ёғингарчиликларсиз қурғоқчилик узоқ давом этиши ва бир мартада кўп микдорда ёғингарчиликлар бўлиши, қишлоқ хўжалигида етиштириш учун мақбул экинлар таркиби бу-

тунлай ўзгариши, ҳарорат режими кучайиши натижасида аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммолар кўпайиши, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг аксарият турлари яшайдиган ҳудудлар қайта тақсимланиши, демак, экологик жараёнлар, бериладиган маҳсулотлар ва бажариладиган функциялар тубдан ўзгариши, саҳролашиш жараёнларининг кучайиши, демак, яшаш ва хўжалик юритиш мумкин бўлган ерлар камайиши, иқтисодийёт секторлари таъсирининг тўлиқ қайта тақсимланиши ва бошқалар.

Албатта иқлим ўзгариши натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарни ҳали ҳеч ким ҳисоблагани йўқ. Хўш, бизнинг фаолиятимиз иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатадими? Албатта, ҳа. Аввало бу автомобиллардан чиқаётган заҳарли газлар, нефть, газ, кўмир ва ўтинни ёқиш оқибатида ажраладиган CO<sub>2</sub>, атмосферадаги аэрозоллар, цемент саноати ҳисобланади.

Юртбошимиз ташаббуси



билан бир неча йилдан буён мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Миллионлаб дарахт кўчатлари экиляпти. Бута ва чала буталар кўпайтирилмоқда. “Яшил ҳудуд”, “яшил белбоғ” каби яшилликка бурканган гўшалар ташкил қилинаётгани қувонарли. Бундай хайрли ва эзгу амаллардан кўзланган асосий мақсад борлиқни авайлаб-асрашдир. Шундай экан, ер, сув, ҳаво ва бебаҳо заминдан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз бўлиши лозим.

**Баҳодир ЭШКУВВАТОВ,**  
Ўзбекистон Экологик партияси Денов туман Кенгаши раиси.

**Ушбу шеър Бойсун баҳори фестивалига бағишланади**

**БОЙСУНСАН**

Савлат тўкиб, тоғлар боқар бошингдан,  
Тоғ дарёси, куйлаб оқар қошингдан.  
Алпомишни, изин топдик тошингдан,  
Обод юртим, Озод юртим, Бойсунсан.

Тоғ ҳавоси шифо бўлар, дилларга,  
Дилдан, қўшиқ қайнаб чиқар тилларга.  
Шифо булоқларинг қайнар, йўлларда,  
Армон юртим, дармон юртим, Бойсунсан.

Ёзу, куз, қиш ҳам баҳор бўлар, тоғларда,  
Тоғлар тўши чаман бўлган чоғларда.  
Булбул, каклик, ҳилол, сайрар боғларда,  
Гўзал юртим, Она юртим, Бойсунсан.

Баҳор ташрифидан гулга тўлар даланг,  
Тоғларингда бўлиб шеър ёзди Шухрат боланг.  
Қардош халқларга, ҳам эшитилар ноланг,  
Барчинойга, бешик бўлган Бойсунсан.



**Шухрат ЛОЛАЕВ,**  
Жарқўргон тумани, “Хўжақишлоқ” маҳалласи.



**ОИЛА**


Сурхон воҳасида эсанг шаббода,  
Дилларга бир умр беради ором.  
Шу ором туфайли дўстлар сизларга,  
Юракдан айтаман салом-ассалом.

Таништираман ўзимни сизга,  
Туғилганман мен асли кузда.  
Оиламиз катта қизиман,  
Мен Мафтунахон бўламан.

Дадажоним Юнусбек,  
Муҳандис бўлиб ишлар.  
Онажоним Ҳилола,  
Қўли енгил хамшира.

Сингилгинам Шукрона,  
Иккинчи синфда ўқийди.  
Кичик синглим Малика,  
Оиламиз кўзи қувончи.

**Мафтуна ЭРГАШЕВА,**  
Денов туманидаги 6-мактабнинг  
4 “б” синф ўқувчиси.



**ЁШЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ ВА ТАЯНЧИ**

**Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва замонавий билим ҳамда кўникмаларни эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.**

Шу мақсадда жойларда амалга оширилаётган ташаббусларнинг ижросини ўрганиш, мавжуд шароитларни янада такомиллаштириш ва янги имкониятларни яратиш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Ана шу ислохотларнинг жойлардаги ижроси билан яқиндан танишиш мақсадида ҳамда ёшлар ҳаётига бевосита дахлдор масалаларни чуқур таҳлил қилиш мақсадида Республика комиссияси ишчи гуруҳи Термиз давлат университетига ташриф буюрди. Ишчи гуруҳ таркибида Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси раиси Қ.Қуронбоев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари О.Ҳасанов, Спорт вазири маслаҳатчиси Ш.Мўминжонов, Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масъул ходими Х.Эшовлар иштирок этди. Термиз давлат университетиде бўлиб, талаба-ёшлар ҳаёти, уларнинг илмий ва ижодий фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ташриф айниқса рамзий маънога эга бўлди, чунки у Президентимиз ташаббуслари билан



мамлакатимизда ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини “Ёшлар кунини” сифатида белгиланган кунга тўғри келди.

Шу муносабат билан ташкил этилган учрашув ёшлар учун алоҳида илҳом манбаи ва рағбат бўлди.

Ташриф аввалида университетда анъанавий тарзда ўтказиладиган “Ректор кубоги” спорт мусобақаларига тантанали старт берилди. Мазкур мусобақалар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний фаолликни ошириш ва жамоавий руҳни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Талабалар спорт майдониде нафақат жисмоний салоҳиятини намойиш этдилар, балки дўстона рақобат ва ҳамкорлик муҳитини ҳам янада мустаҳкамлаш имконига эга бўлдилар.

Шундан сўнг меҳмонлар университетнинг Илмий-тадқиқот марказида талаба-ёшлар томонидан амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар билан танишдилар. Хусусан, сунъий интеллект асосида ишлаб чиқилган замонавий бошқарув тизими тақдимоти катта қизиқиш уйғотди.

Шу ерда талабалар ўзларининг стартап лойиҳаларини намойиш қилиб, амалий тажриба ва инновацион гоёларни бирлаштириш имкониятини намойён этдилар.

Ташриф давомида Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев қатнашчиларни ёшларга яратилаётган замонавий имкониятлар билан таништирди, уларнинг бизнес гоёларини ривожлантириш ва амалга ошириш борасида амалий кўрсатмалар берди. Келажаги порлоқ лойиҳалар Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ёшлар венчур фонди орқали молиявий қўллаб-қувватланади. Бу эса ёшларни ўз гоёларини амалда синаб кўриш ва илғор технологиялар асосида янги лойиҳаларни яратишга илҳомлантиради.

Шунингдек, талабалар билан самимий ва очиқ мулоқот ташкил этилди. Унда ёшларга бугунги кунда яратилаётган кенг имкониятлар, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, замонавий касб ва кўникмаларни эгаллашнинг аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди. Талабалар эса ўзларини қизиқтирган саволлар, келажақдаги режалари ва таклифлари билан фаол иштирок этдилар.

Бир сўз билан айтганда, ушбу учрашув пайшанба кунга тўғри келган-

ни рамзий маънога эга бўлиб, Термиз давлат университети ёшлар учун билим, ижод ва стартап фаолияти учун барча замонавий шарт-шароитларни яратган маконга айланганини амалда намойиш этди. Бу эса Янги Ўзбекистон тараққиёти, ёшларнинг билим, ташаббускорлик ва инновацион салоҳияти билан бевосита боғлиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, спорт ва маданият соҳаларида рағбатлантириш тизими ёшларимизни янада фаол ижодкор ва ташаббускор бўлишга



ундамоқда. Шу йўналишда амалга оширилаётган ҳар бир қадам Янги Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги сари муҳим замин яратмоқда.

**Раҳмонберди ЧОРИЕВ,**  
Термиз давлат университети  
Ёшлар билан ишлаш,  
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.

**Маълумки, ота-боболаримизнинг миллий урф-одат ва анъаналарига риоя қилиш, азалий қадриятларни асрлар оша авлодларга етказиш менталитетимизга хосдир. Аммо айримлар аллақачон баъзи удумларни ўзгартириш, ўрни келганда уларнинг бир қанчасидан воз кечиш пайти келганлигини таъкидлашмоқда.**

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар бир халқнинг ўз урф-одатлари, оммавийлашган удумлари бўлиб, бу “Ёзилмаган қонунлар” аллақачон миллатнинг асрий анъаналарига айланиб улгурган. Рақамлашган технологиялар даврида инсон маънавий камолотида уларнинг ўрни бекиёс. Аммо вақт ўтиши билан қадриятлар ҳам замона зайлига мослашиши керакми-кан? Бугунги кунда миллий анъаналаримизнинг аҳамияти қай даражада ўзи?

**МИЛЛИЙ УРФ ОДАТЛАРИМИЗ**



Ҳозирги ижтимоий тармоқлар қандай вазифа бажараётган бўлса, авваллари турли хил маросимлар, оилавий удумлар шундай функцияга эга бўлган. Масалан, инсонлар тўйларга қорин тўйдириш ёки “дастурхонда нима кам-у, келиннинг кўйлагини неча минг долларлик эканлиги”ни кўриб келиш учун эмас, ёру-дўстлар билан дийдорлашиш, янгиликлардан бохабар бўлиш мақсадида боришган. Яъни миллий урф-одатларимиз қадимдан инсонларни интеграциялаш-

тирувчи ижтимоий омилга эга бўлган. Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасидаги полвонлар курашларини олайлик: бундай мусобақалар, кўпкарилар, улоқ чоптиришлар — буларнинг барчаси, асосан, миллий байрамлар ва тўй-ҳашамларда ўтказилган ҳамда инсонларни бирлаштириш билан бирга ўзбек генофондида азалдан хос бўлган мардлик, эркинлик, ҳалоллик каби сифатларни йигитларимизда шакллантиришга хизмат қилган. Голаверса, “Бир болага етти маҳалла ота-она” деганларидадек, юрт оқсоқоллари учун фарзанднинг бегонаси бўлмаган. Менимча, шу каби бебаҳо қадриятларимиз “Телеграмм”даги “стикер”лар билан ўзаро мулоқот қилишнинг нормал ҳисобловчи ёшларимиз учун ҳар томонлама

ўрناق бўла олади.

“Юрган — дарё, ўтирган — бўйра” деганларидек, тараққиёт жараёнида миллий урф-одатларимизнинг айримлари ўз-ўзидан йўқолиб, эскириб кетишини табиий қабул қилиш керак, назаримда. Баъзан маълум қадриятларга фанатизм билан қараш, яъни қаттиқ ёпишиб олиш кишининг шахс сифатида камол топишига халақит бериши мумкин.

Аммо “Беш қўл баробар эмас” деганларидек, баъзилар миллий анъаналарни замонавийлаштиришда “қош қўйман деб, кўз чиқариб” қўйишаётганларини ўзлари ҳам сезишмаяпти. Ҳозирда тўйлардаги мисли кўрилмаган исрофгарчиликлар, ўта дабдабали оқшом маросимлари, пулдан гулчамбарлар, қирқ кунгача келин томоннинг

“эр йигитлар” оиласига овқат ташишлари...

Аслида бидъат ва уйдирма ҳисобланган ушбу урф-одатларни ўйлаб топаётганлар халқ кўзгуси бўлмиш муқаддас қадриятларимизни ниқоб қилиб олиб, уларга доғ тушириб қўймоқда деб ўйлайман. “Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр”, “Қиз берган хонадонга қирқ йил тегма” каби мақолларни унутайлик энди!

Хуллас, урф-одатларимиз — ўзлимиз ҳамда яқдиллигимиз кафолатидир. Расм-русумлар эзгуликка етаклаганига ўз вазифасини бажаради. Қолган барча ҳолатларда вазиятга ақл тарозисига мувофиқ ёндашсак, нур устига нур бўлар эди.

**Зумрад ЖУМАЕВА,**  
Денов тумани  
2-сон техникуми  
она тили ва адабиёт  
фани ўқитувчиси

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШИДАГИ МАҚСАДЛАР

Бу борада, даставвал, жорий йил 16 февралда Президентимизнинг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги бошқичга олиб чиқишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқаруви ташкил этиш бўйича 2030 йилга қадар бажариладиган бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, жиноят иши юритувида ярашув институтидан фойдаланиш имкониятини 20 фоизга ошириш, судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш

имкониятларидан фойдаланиш даражасини 50 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улушини 45 фоизгача, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларни 3 фоизгача ва аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларни ҳам 3 фоизгача камайтириш белгиланди.

Судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низоларни муқобил ҳал этиш улушини 20 фоизга етказиш ва маъмурий судларда ишларнинг келиштириш чоралари орқали ҳал этилиш даражасини 50 фоизга ошириш талаб этилади. Бундан кўзланган мақсад — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантиришдир.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очикликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳам олдимизда турган муҳим мақсадлардандир. Бу борада судьялар орасида хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказиш, фуқароларга одил судловга эришишда қулай имкониятлар яратиш мақсадида янги интерактив хизматлар сонини 19 тага етказиш белгиланди.

Жумладан, “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқаруви ташкил этиш” йўналишининг 84-мақсадида — Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлан-



тириш, жиноят иши юритувида ярашув институтидан фойдаланиш имкониятини 20 фоизга ошириш белгиланган.

Шунингдек, судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларидан фойдаланиш даражасини 50 фоизга етказиш, йўналишининг 85-мақсадида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини яна-

да ривожлантириш, маъмурий судларда ишларнинг келиштириш чоралари орқали ҳал этилиш даражасини 50 фоизга ошириш кўзда тутилган. 86-мақсадда Суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очикликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ўз аксини топган.

Стратегияда белгилаб берилган мақсадлар ва кўрсаткичлар аниқ. Бу каби чораларнинг сифатли амалга оширилиши жамиятимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тўлқин АБДУЛЛАЕВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман судининг раиси.

## ЁШЛАРНИ ИЛЛАТДАН АСРАЙЛИК

Гиёҳвандлик балоси инсоният ҳаётига жиддий хавф солаётган иллатдир. Бежизга у “аср вабоси”га қийсаланмаган. Маълумотларга кўра, афюн истеъмол қилишнинг тарихи милодий XIII асрга тўғри келади. Мўғуллар уни дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқатган экан.

Аллома ибн Ҳожар ал-Маккийнинг “Фатоваи Кабир” асарига гиёҳвандлик бало эканлиги баён қилинади. У инсон тафаккурини ўтмаслаштириб, хасталикларни кўпайтириши айтилган. Шу билан бир қаторда хотирани сусайтиради, бош, юрак, сил ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради. Булардан ташқари, кишини ялқов, камғайрат, оилага бепарво бўлишига сабаб ҳам айнан гиёҳвандликдир.

Таназулга бошловчи йўл бўлган офат инсонга ҳар томонлама зарар етказиши дунё олимлари ва мутахассислари томонидан ҳам тасдиқланган. Уни истеъмол қилувчилар ўнлаб тузалмас касалликларга йўлиқиши, ҳаётдан эрта кетиши, мажруҳ, ақли ноқис фарзандлар туғилиши исботланган. Бу эса инсоннинг ўз жонига қасд қилиши билан баробардир.

Иллатни одамлар, айниқса, ёшлар ўртасида тарқалишининг



олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида гиёҳвандлик ва жиноятчиликка

қарши халқаро ҳайъат ташкил этилган. Мазкур ҳайъат томонидан эълон қилинаётган маълумотларга қараганда, жаҳонда гиёҳвандлик ва унга боғлиқ жиноятлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Шунинг учун ҳам бу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш давр талабидир.

Давлатимизнинг оқилона сиёсати за-

### Гиёҳвандлик – аср вабоси

мирида комил, соғлом, маънавияти, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа мужассам. Шу боисдан ҳам гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали “Аср вабоси”ни инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчли оқибатлари хусусида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Масъуллар ва соҳа мутахассислари томонидан учрашувлар ташкил қилинапти. Бундан кўзланган асосий мақсад, ёшларимизни асраб-авайлаш ва уларни тўғри йўлга бошлашдир. Замона-

вий тиббиёт қанчалик ривожланмасин, инсон ўз саломатлиги учун ўзи қайғурмаса, қутилган натижага эришиб бўлмайди.

Соғлиқ — бебаҳо неъматдир. Зеро, инсон ўзининг танаси аъзоларини соғлом бўлиши ва уларни турли зарарли одатлардан сақлаши лозим. Шундагина миллат келажаги бўлган ёшлар ҳам одоб-ахлоқли ва комил инсонлар бўлиб вояга етади.

**А.ЧАРИЕВ,**  
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.  
**А.НАБИЕВ,**  
вилоят прокуратураси бўлим прокурори.

Тараққиёт туфайли ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб бораёпти. Бугунги кунда олис кишлоқ йўлларида ҳам бир пайтлар шаҳарларда бўлган каби автомобиллар гавжумлигини кўраяпсиз. Техника воситалари узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётир. Бу эса ўз навбатида йўл ҳаракати қоидаларига қатъий равишда амал қилиш, хушёрликни янада оширишни тақозо қилади.

Афсуски, айрим машина рулини бошқараётган фуқаролар босар-тусарини билмасдан, автоҳалокатларга сабабчи бўлиб қолишмоқда. Хушёрликни бир зум бой бериш эса гоҳида нохуш оқибатларга олиб келади.

2025 йил 9 ноябрь куни Карсаган маҳалласида ана шундай оғир оқибатга олиб келган воқеа рўй берди. “Ласетти” русумли автомашинада ҳаракатланаётган, 1995 йилда туғилган фуқаро (исмлар ўзгартирилган) Алишер

### Инсон ва қонун



Бойназаров “Карсаган” маҳалласи худудидан ўтувчи 75Б091 автомобил йўлининг 11-километрида йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслиги натижасида йўлнинг чап томон четига ҳаракатланиб ўтган пиёда Тойир Қўлдошевни автомашинани олд ўнг томони билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган. Натижада пиёда Тойир Қўлдошев тиббиёт бирлашмасида тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамадан вафот этган.

Ҳайдовчи бу қилмиши билан амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-бандидаги “Йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмас-

## ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛМАСЛИК ОҚИБАТИ

лиги ва хавф туғдирмасликлари керак”лиги, 11-банди ғисмида “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир.... ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қариялар, индивидуал ҳаракатланиш воситалари ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши”, 53-бандида “ҳайдовчи ҳаракатланиши бошлаш, йўналишини ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақат бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” ва 77-банди 3-қисмида “ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг

тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб белгилаб қўйилган қоида талабларига риоя қилмасдан, ушбу қоида талабларини қўпол равишда бузди.

Оқибатда ушбу ҳайдовчи 5 нафар фарзанднинг отаси бўлган бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлган автоавариани содир этди. Марҳумнинг оила аъзолари учун аччиқ ҳижрон, бир умрга унутилмас фожияни келтириб чиқарди.

Агар ҳайдовчи қоидаларга амал қилганида бу фожия содир бўлмаслиги мумкин эди. Ваҳоланки бугунги ахборот асрида бундай нохуш воқеалар келиб чиқмаслиги учун тарғибот, тушунтириш ва огоҳлантиришлар бетўхтов янграмоқда.

Кейинги пушаймон ўзинга душман, дейдилар. Суд ҳукми билан Тойир Қўлдошев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисмидаги жиноятни содир этганлиқда айбли, деб топилди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан 3 (уч) йил муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Қоидага амал қилмаслик оқибати аянчли бўлади. Бу воқеа йўл ҳаракати қоидаларини писанд қилмайдиган бепарво ҳайдовчиларга ибрат бўлиши лозим.

**Жасурбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди судьяси.

## ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ КАФЕДРАЛАРИДАГИ КҮЙИДАГИ ВАКАНТ (БЎШ) ИШ ҲАМЛАКАРИ УЧУН ДОЦЕНТ, КАТТА ҲАМЛАКАРИ, ҲАМЛАКАРИ ВА ҲАМЛАКАРИ-СТАЖЁР ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Хорижий тил ва адабиёти куйи курслар кафедрасига Катта ўқитувчи 1 нафар, Ўқитувчи (ассистент) 1 нафар.

Хорижий тил ва адабиёти - юқори курслар кафедрасига – Катта ўқитувчи 1 нафар, Ўқитувчи-стажёр 1 нафар.

Рус тили ва адабиёти кафедрасига – Ўқитувчи (ассистент) 1 нафар, Ўқитувчи-стажёр 1 нафар.

Бошланғич таълим методикаси кафедрасига – Катта ўқитувчи 1 нафар, Ўқитувчи-стажёр 1 нафар.

Мақтабгача таълим кафедрасига – Кафедра мудири 1 нафар, Ўқитувчи (ассистент) 1 нафар, Ўқитувчи-стажёр 1 нафар.

Умумий физика ва қурилиш муҳандислиги кафедрасига – Катта ўқитувчи 1 нафар.

Биология ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлар технология-

лари кафедрасига – Доцент (1 нафар), Ўқитувчи-стажёр 1 нафар.

Умумий кимё ва кимёвий технологиялар кафедрасига – Доцент (1 нафар), Катта ўқитувчи 1 нафар.

Рақамли иқтисодиёт кафедрасига – Ўқитувчи (ассистент) 1 нафар, Ўқитувчи-стажёр 1 нафар.

Ахборот технологиялари кафедрасига – Ўқитувчи (ассистент) 1 нафар, Ўқитувчи-стажёр 1 нафар.

Молия ва банк иши кафедрасига – Катта ўқитувчи 1 нафар, Ўқитувчи-стажёр 1 нафар.

Тарих ва фалсафа кафедрасига – Доцент (1 нафар), Катта ўқитувчи 1 нафар, Ўқитувчи (ассистент) 1 нафар, Ўқитувчи-стажёр 1 нафар.

**Малака талаблари:**  
Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидада кўра, доцент илмий унвони-

га, катта илмий ходим ёки фан номзоди, фалсафа доктори (ПхД), фан доктори ёки фан доктори (Достор оф Ссиенсе) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин. Шунингдек, бир муддатга доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек тегишли илмий унвонга ва илмий даражага эга бўлмаган, бироқ ушбу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган

шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража, шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (ПхД) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даражага ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

Ўқитувчи (ассистент) ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаш учун танловда тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис) қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун институт Кенгаш котибига куйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:

1. Ректор номига ариза;

2. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт нусхаси);

3. Маълумотнома (объективка);

4. Сўровнома;

5. Олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхалари;

6. Илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхалари;

7. Илмий ишлар рўйхати;

8. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар.

Ҳужжатлар ОАВда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил:**  
**190507, Ўзбекистон**

**Республикаси, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Кўзичоқли маҳалласи, Бог кўчаси, 112-А уй.**

**Денов тадбиркорлик ва педагогика институти.**

**Тел: 91 966 94 64**

## 5-СИНФ ҲАМЛАКАРИНИНГ МОСЛАШУВИ ВА УНИНГ МУҲИМ ҲАМЛАКАРИ

**Маълумки таълимнинг бош мақсадларидан бири ҳар бир боланинг психологик ҳамда шахсий ривожланишини тўлиқ таъминлайдиган психологик шароит ва имкониятларни яратиб беришдир.**

Боланинг ривожланишида психологик саломатлик муҳим аҳамият касб этади. Агар инсон ўзи учун нуқул шароитда яшаса бундай ҳолатда унинг эмоционал туйғулари бузилиши мумкин ва бу ўз

навбатида психологик зарба (стересс ҳолатига жавобан хавотирланиш ҳиссини юзага келтиради.) Хавотирланиш эса вегетатив ва психик бузилишларга олиб келади, бу эса 5-синф ўқувчиларида бошқа синф ўқувчиларига нисбатан кучли хавотирланиш кузатилади, бу бошланғич синфдан ўрта синфларга ўтиш даври билан боғланади.

Ўқувчи 1-синфга ўқишга борганида мослашиш жараёни қийин

бўлганидек, қуйи синфда битириб мактабнинг ўрта яъни 5-синфга ўтганида ҳам мослашиш жараёни қийин кечади. Бундай ҳолатда ўқувчи ота-онанинг ва психологнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Маъ-



лумки, бошланғич синфда ўқувчи фақат бир нечта ўқитувчининг талабларини бажаришга мослашиб қолади. Ўрта яъни 5-синфга ўтганда эса ҳар-бир ўқувчи билан мулоқот қилиши ва янги муносабатлар ўрнатиши талаб этилади.

Демак 5-синфда ўқиш давомида ўқувчи мустақил қарор қабул қилиши ҳамда катталар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиши билиши му-

ҳим аҳамият касб этади.

Яъни мактабнинг 5-синфга ўтиш даври билан боғлиқ бўлган хавотирланишни юзага келтираётган ўқувчилар билан индивидуал ва гуруҳий тарзда машғулотлар ўтиш ҳамда ота-оналар билан ҳамкорликда ишлашни тизимли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўқувчилар билан

1. Ўқувчиларнинг кайфиятларидаги ўзгаришларни баҳолаш сўровномаси.

2. Мен ўзимга ва ўз кучимга ишонаман машқи.

3. 5-синф ўқувчиси бўлганида ҳаётингда нима ўзгарди? сўровномаси.

4. Мени нима хавотирлантиради? машқларини ўтказиш орқали мослашиш жараёнини самарали ташкил этиш мумкин.

**Абдукарим**

**МИРЗАЕВ,**

**Денов туманидаги**

**48-умумий ўрта**

**таълим мактаби**

**амалиётчи психологи.**

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА СУЯНИШ – ТАРАҚҚИЁТМИ ЁКИ ТАНАЗЗУЛ?

**Бугунги кунда инсоният тараққиётининг энг муҳим белгиларидан бири — бу сунъий интеллектнинг жадал ривожланишидир.**

Айниқса, таълим соҳасида бу технология қисқа вақт ичида кенг оммалашиб, талабалар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Эндиликда биргина тугмани босиб орқали мураккаб саволларга жавоб топиш, иншо ёки реферат ёзиш, ҳатто илмий ишлар учун материал йиғиш мумкин, яъни таълим учун катта имкониятлар яратмоқда. У индивидуал ёндашувни таъминлаб, талабага мослаштирилган билим бериш, хатоларни тезда аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Бугунги кунда ҳатто AI асосидаги платформалар талабалар билим даражасини автоматик баҳолаб, уларнинг ривожланишига ёрдам бermoқда. Бу эса ўқиш жараёнини анча осонлаштиради. Бундай қулайлик эса табиий равишда бир саволни кун тартибига олиб чиқмоқда: бу ҳолат ҳақиқий

тараққиёт белгисимикан ёки аста-секин таназзулга элтувчи хавфли йўлми?

Бир томондан қараганда, сунъий интеллект — бу билим олиш жараёнини энгиллаштирувчи, вақтни тежовчи ва имкониятларни кенгайтирувчи замонавий воситадир. У талабаларга мураккаб мавзуларни тезроқ англаш, янги билимларни мустақил эгаллаш ҳамда ўз устида ишлаш имконини беради. Шу жиҳатдан у тараққиётнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам мавжуд. Агар талаба сунъий интеллектдан мустақил фикрлаш ўрнига тайёр натижага эришиш воситаси сифатида фойдаланишни одат қилса, бу унинг тафаккурига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада эса билим олиш жараёни юзаки шаклга айланиб қолади. Ҳар қандай қулайлик ортида муайян хавфлар ҳам яширинган бўлади. Сўнги пайтларда кўплай талабалар сунъий интеллектдан билим

олиш воситаси сифатида эмас, балки тайёр натижа олиш учун фойдаланаётгани кузатилаётган. Масалан, реферат, иншо, мустақил иш ёки ҳатто курс ишларини AI ёрдамида ёздириб ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Бу эса талабанинг мустақил фикрлаш қобилиятининг сусайишига олиб келади. Ахир ҳақиқий билим изланиш, хато қилиш ва таҳлил қилиш орқали шаклланади. Яна бир муҳим муаммо — бу ижодийликнинг камайишидир. Агар талаба ҳар бир вазифани сунъий интеллектга топширса, у аста-секин ўзи фикр юритиш, янги ғоялар ишлаб чиқиш ва муаммоларни мустақил ҳал қилиш қобилиятининг маҳрум бўлиб боради. Бу эса келажакда профессионал фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки реал ҳаётда ҳар доим ҳам тайёр жавоблар мавжуд эмас.

Бундан ташқари, ахлоқий ва академик ҳалоллик масаласи ҳам долзарбдир. AI ёрдамида тайёрланган иш-

ларни ўз номидан топшириш плагиатга яқин ҳолат сифатида баҳоланади. Бу эса таълим сифатидаги путур етказиши. Талаба билимни эмас, баҳони устун қўядиган бўлиб қолади. Натижада эса жамиятга етарли билим ва кўникамага эга бўлмаган мутахассислар кириб келиши хавфи ортади. Айнан шу нуқтада савол янада кескинлашади: биз технологияни бошқаряпмизми ёки у бизни?

ЮНЕСКО ҳам сунъий интеллектни таълимда қўллашда эҳтиёткорликни тавсия этади. Унга кўра, AI ўқув жараёнининг инсоний жиҳатларини тўлдирини керак, лекин уларни тўлиқ алмаштирмайди. Бу фикр муаммонинг моҳиятини аниқ ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, муаммо Алда эмас, балки ундан фойдаланиш маданиятида. Агар талаба сунъий интеллектни билим олиш воситаси сифатида ишлатса — бу тараққиётдир. Аммо агар у унга тўлиқ суяниб, мустақил фикрлашдан воз кечса — бу

ортга қайтишдир.

Мутахассислар фикрига кўра, таълим тизими ҳам бу ўзгаришларга мослашиши зарур. Ўқитувчилар фақат натижани эмас, балки жараёни ҳам баҳолашга ўтиши керак. Талабанинг фикрлаш жараёни, таҳлил қилиш қобилияти ва ижодий ёндашуви муҳим мезон бўлиши лозим. Шундагина сунъий интеллект таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллект — бу замон талаби ва уни инкор этиб бўлмайди. У таълимни янги босқичга олиб чиқмоқда. Аммо энг муҳим масала — ундан қандай фойдаланишда. Талаба Алга тўлиқ суяниб қолмаслиги, балки уни ўз билимини бойитиш воситаси сифатида қўллаши зарур. Зеро, ҳақиқий билим фақат мустақил изланиш ва тафаккур орқали шаклланади.

**Сайёра РОЗИКОВА,**  
**Денов тадбиркорлик ва педагогика институти,**  
**Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси.**

**(Боши 1-саҳифада).**

1947 йилда Мелиали қишлоғига қайтди. Уруш тугаган, аммо унинг асоратлари ҳамма ерда сезилиб турарди. Қишлоқ хароб, одамлар оч-наҳор, чарчаган. Лекин одамларнинг кўзида ғалаба қувончи ва тинч ҳаётга бўлган иштиёқ бор эди.

Мелиали ўз ҳовлисига кирди, ота-онасини кучоқлади, укаси ва жиянининг йўлига кўз тиккан яқинларининг ҳасратли нигоҳларига чидай олмади. Ўша лаҳзада унинг қалбида бир қатъий қарор туғилди: «Мен уларни қайтара олмайман, аммо уларнинг хотирасини абадийлаштира оламан. Мен шундай бир боғ яратаманки, у ерга келган ҳар бир киши укамни, жиянимни ва барча ҳалок бўлган ватандошларимни эсласин».

—1957 йил. Баҳорнинг илк кунлари. Қишнинг қаҳратони секин-аста чекиниб, табиат уйқудан уйғонаётган палла, дея хотирлайди Нормамма ҳожи. — Дала ва қирлар яшилликка бурканиб, ҳавода баҳорий нафас сезиларди. Бу фасл отам учун мўъжизакор эди, у инсонга янги умидлар, улғувор мақсадлар берарди. Отам ана шундай эзгу ниятлар билан тўлибтошган қалби билан ўзининг орзусидаги боғи томон йўл оларди. У фронт ортидаги қийинчиликларни бошидан кечириб келган Ўшор қишлоқ халқининг матонатини яхши биларди. Улар уруш йилларида оч-наҳор қолиб, фронт учун галла, дон, майиз, кийим-кечак, ҳаттоки кераклик маблағларни ҳам юборишган эди. Улар тинчлик йилларида ҳам меҳнат қилишдан чарчамадилар.

Отам ўзининг орзусидаги боғни яратиш учун қишлоқ аҳлининг боғдорчилик, деҳқончиликдаги бой тажрибасидан фойдаланишга қарор қилди. Ўшорликлар ўзларига хос мактаб яратган эдилар. Улар етиштирган анор, олма, узум, ёнғоқларнинг таърифи етти иқлимга кет-

# ЮК КЎТАРГАННИ ЮРТ БИЛАДИ

ганди. Отам ана шу мафтункорлик фаслини, баҳорни интиқлик билан кутди. Бир кун тонг саҳарда, қуёш нурлари энди кўринаётган палла, у елкасига кетмонини олиб, боғи томон отланди. Унинг қалби ҳаяжонда эди, гўё биринчи марта ерга кетмон ураётгандек. У ялпизлар бўй кўрсатиб турган сўқмоқ бўйлаб бораркан, ҳар бир қадамида табиатнинг гўзаллигидан завқланарди. У бир йўла сув йўллари ҳам тартибга келтирди, гўё сув унинг орзуларини бутун боғ бўйлаб тарқатар эди. Сўнгра ўзи кеча эккан ниҳолларидан хабар олди. Эндигина куртак ёза бошлаган ниҳолларни кўриб, унинг кўнгли ойдинлашди. Кечаси қисқа муддатда шивалаб ўтган майда ёмғир томчилари митти куртак япроқларида маржондек турарди. У ерга энгашиб, ниҳолни силади, гўё боласини эркалаётгандек.

Айтиш жоизки, Мелиалининг меҳнатлари бесамар кетмади. Унинг боғи секин-аста кўкариб, мева бера бошлади. Айниқса оппоқ гуллаган бодом новдаларида сайроқи кушларнинг сайраши унга чексиз завқ бағишларди. У ернинг ҳар бир қаричини севди, парвариш қилди. Ўз меҳнати билан, яратганнинг ёрдами билан чўлни бўстонга айлантди. Боғ яратиш ишлари билан банд бўлган Мелиалининг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Бир кун кечга яқин, кун ботиб қоронғу тушган палла, у боғнинг чап томонидан қишлоққа яқинроқ сўқмоқдан уйига қайтаркан, уйчан эди. Соё бўйидаги қадимий тутлар ёнидан ўтаётди, у бир лаҳза тўхтади. Бу тутлар очарчилик даврида қанчадан-қанча оч болаларга мева берганини, одамлар унинг остидан баҳорий ўтланлар териб еб эслади.

Уйига яқинлашганда, у қувончли хабарни эшитди – оиласида ўғил фарзанд дунёга келган эди. Мелиали бу хабардан ниҳоятда хурсанд бўлди, унинг қалби шукроналикка тўлди. У ўғлига Нормамма деб исм қўйди. Эртаси кун эрталаб қишлоқнинг муллеси Мамаражаб чақалоқ қулоғига азон айтиб, унинг келажаги порлоқ бўлишини сўраб, дуо қилдилар.

Нормамма секин-аста улғайди. Ота унинг тарбиясига катта эътибор берди. У ўғлига ҳар доим ҳалол ишлашни, муомала маданиятига эътибор беришни, раҳбарларни ҳурмат қилишни ва уларнинг вазифаларини ўз вақтида бажаришни ўргатарди. Мелиали ўғлини ўз боғига олиб бориб, ер билан ишлашни, ниҳолларни парвариш қилишни ўргатди. У ўғлининг қалбига боғдорчиликка бўлган қизиқишни сингдирди.

Нормамма отасининг ўғитларига амал қилиб, таълим-тарбия олди. У 1964 йилда ўрта мактабга қабул қилинди, 1974 йилда ўрта мактабни тугатди. 1977-1979 йилларда совет армияси қуроли кучларида хизмат қилди. Ҳарбий хизматдан сўнг, у Ташкент давлат Аграр университетининг иқтисод бўлимини сиртдан тугатди ва турли нуфузли ташкилотларда масъул лавозимларда ишлади. Аммо унинг қалби ҳар доим ўз қишлоғига, отасининг боғига талпинарди.

Мелиали бобо умрининг охиригача боғ яратди, деҳқончилик билан шуғулланди. У ўз меҳнати билан яратган боғлар нафақат унинг оиласига, балки бутун қишлоққа наф келтирди. У кексайганда ҳам тинч ўтира олмади. У тўй-маъракаларда ёшларга насиҳат қиларди, уларни тинчликни қадрлашга, меҳнат қилишга чорларди. Унинг

васияти битта эди: "Орқангиздан боғ қолдиринг, инсонларга яхшилик қилин".

Отасининг васиятига содиқ қолган Нормамма, нафақага чиққанидан сўнг, ўзининг орзусидаги лойиҳани амалга оширишга қарор қилди. У 16 гектар лалми ерга сув чиқариб, замонавий боғ яратишга киришди. Бу иш осон эмас эди. Лалми ерга сув чиқариш, ниҳол экиш, уларни парвариш қилиш катта меҳнат ва маблағ талаб қиларди. Аммо Нормамма отасининг ўғитлари ва ўзининг иқтисодий билимидан фойдаланиб, барча қийинчиликларни енгиб ўтди.

У замонавий технологиялардан фойдаланиб, боғда томчилатиб сугориш тизимини жорий қилди. Бу тизим сувни тежаш ва ниҳолларнинг яхши ўсишини таъминлашга ёрдам берди. У боғда экспортбоп узум ва олма навларини етиштиришга эътибор берди. Унинг мақсади нафақат боғ яратиш, балки қишлоқ ахлига иш ўринлари яратиш, уларнинг даромадини ошириш эди.

Нормамманинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Унинг боғи секин-аста мева бера бошлади. У етиштирган мевалар сифати ва мазаси билан ажралиб турарди. Унинг мевалари нафақат маҳаллий бозорда, балки хорижда ҳам хариддорларга ўз меҳнати билан отасининг ишларини муносиб давом эттирди. Бир неча йилдан буён Нормамма фермернинг узумларини фақат хорижга экспорт қиладиган корхоналар сотиб олишмоқда.

Нормамма нафақат боғдорчилик, балки хайрия ишларини ҳам эсдан чиқармайди. У 2023 йилда Булунғур канали қазиш ишларида фаол қатнашди, Наврўз байрамларида эса қишлоғидаги кам таъминланган оилаларга

ёрдам кўрсатади. Унинг бу хайрли ишлари давлат ва жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда. У Нуроний жамғармаси, Халқ демократик партияси, фермерлар уюшмаси томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Нормамма Мирзоалиев бугунги кунда ҳам тинч ўтиргани йўқ. Унинг келажақдаги режалари бисёр. У қишлоққа саноатни олиб келиш, мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирмоқда. Унинг мақсади – қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш.

"Юк кўтаргани юрт билади". Бу мақол Мелиали бобо ва Нормамма Мирзоалиев ҳаёти мисолида ўзининг тўла тасдиғини топди. Улар ўз меҳнати билан нафақат боғ яратдилар, балки аждодлар меросига садоқат, меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик намунасини кўрсатдилар. Уларнинг ҳаёти ёш авлод учун ибрат мактабидир.

Тупроқ ҳамма нарсани эслаб қолади, ҳар бир хайрли ишга гувоҳ. Унга тўқилган ҳар бир томчи тер, экилган ҳар бир ниҳол ва айтилган ҳар бир эзгу ният унинг хотирасида муҳрланади. Мелиали бобо ва Нормамма Мирзоалиевларнинг боғи – бу нафақат мевали дарахтлар мажмуаси, балки бир оиланинг тарихи, бир қишлоқнинг ҳаёти ва бир миллатнинг қадриятлари ифодасидир. Бу боғ абадий яшайди, унинг меваларидан эса келажақ авлодлар баҳраманд бўлади.

**Сўхбатни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Хусниддин ТЕМИРОВ ёзиб олди.**

## ТЕХНИКУМДА "ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"

Олтинсой туманидаги 1-сонли техникумда "Очиқ эшиклар куни" тадбири бўлиб ўтди.

Мактаблардан таклиф этилган юқори синф ўқувчилари устозлари ҳамроҳлигида келиб, техникумда



### Тадбир



яратилган таълим олиш ва касбунарсанга ўрганиш шароитлари билан яқиндан танишдилар.

Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал, дейдилар. Мазкур тадбир давомида ўқувчилар фан хоналари, лабораториялар ва устахоналар фаолиятини ўз кўзлари билан кўришди. Ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**А. ОДИНАЕВ.**

### Э Ё Л О Н

Олтинсой деҳқон (озиқ-овқат) бозори масъулияти чекланган жамияти 2025 йил якуни бўйича Кузатов кенгаши йиғилиши 2026 йил 26 май куни соат 10-00 да ўтказилишини маълум қиламиз. Ушбу йиғилишга барча хиссадорларни таклиф этамиз.

**Олтинсой деҳқон (озиқ-овқат) бозори МЧЖ маъмурияти.**

**TASHRIF**  
ижтимоий —  
сиёсий газета  
Муассис: «Ташриф  
Сурхон» МЧЖ

Газета Сурхондарё  
ҳамда республикамиз-  
нинг айрим вилоятлари  
бўйлаб тарқалмоқда.

Бош муҳаррир:  
**Темиров  
Хусниддин  
Нормуродович**

Тахририят манзили: Денов шаҳри 190500. Ш.Рашидов кўчаси, 247-уй. ТЕЛ: 76-413 53 74.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2016 йил 12 апрель куни 11-065 рақами билан қайта рўйхатга олинган. Нашр индекси: 6529

Навбатчи: **Г.АБДУЖАЛИЛОВА**  
Мусахҳих: **Н.АБДУРАҲИМОВА**

Газета «Surxon tongi» va «Заря Сурхана» газеталари тахририяти босмаҳонасида А-3 ҳажмда чоп этилди. Адади: 1600 нусха.

Баҳоси сотувда келишилган нарҳда. t-тижорат белгиси.

Газета «Tashrif Surxon» МЧЖнинг компьютер бўлимида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи:  
**Махлиё ХУДОЙБЕРДИЕВА**

Босишга топшириш вақти 16.00.

Буюртма Г 2